

МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЛЛАРИНИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Нишонов Бахриддин Эркинович

т.ф.н,к.и.х

Саттарова Фазилат Юсупбоевна

ўқитувчи

Аннотация: *Маълумки, Марказий Осиё ҳудуди ички сув ҳавзаларидан иборат. Бундай ички сув ҳавзаларига кўллар мисол бўлади. Марказий Осиё кўллари купгина олимлар томонидан ўрганилган.*

Калит сўзи: *Кўл, Орол, фарсах, Туркистон, гидробиология.*

Abstract: *It is known that the territory of Uzbekistan consists of internal water bodies. An example of such inland water bodies is lakes. Lakes of Uzbekistan have been studied by many scientists.*

Key words: *Lake, Aral, Farsah, Turkestan, hydrobiology*

Кўллар атроф-муҳит иқлимига етарли даражада яъни ижобий таъсир кўрсатади. Марказий Осиё ҳудудидаги кўлларни ўрганилиш тарихи қуйидаги маълумотларга асосланади. Ўлкамиздаги кўллар тўғрисидаги билимлар асрлар давомида халқ хотирасида, тарихий-археологик ёдгорликларда, ёзма манбаларда тўпланиб келган. Афсуски, юртимиз сув ҳавзаларига, шу жумладан кўлларга тегишли бўлган илк ёзма манбалар қадимги грек олимлари асарларидагина сақланиб қолган. Масалан, Геродот (эрамиздан олдинги 490-425 йиллар) Каспий денгизи ҳақида, унинг берк ҳавза эканлигини ёзиб қолдирган бўлса, Страбон (63 - йил эски эра-20-йил янги эра) машҳур "География" асарида Оксус (Амударё) қуйи оқимида икки тармоққа бўлинишини, бири шимолий денгизга (Оролга), иккинчиси эса Каспийга қуйилишини ёзиб қолдирган. Шу фикр нисбатан кейинроқ яшаган Птолемей (янги эранинг II асри) да ҳам такрорланади.

Шуниси ажабланарлики, биз буюк тилшунос олим деб биладиган Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит турк" асарида (1072-1074 йилларда ёзилган) ҳам ўлкамиз кўллари ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган: "Иссиқкўл - Барсғондаги бир кўл, узунлиги 30 фарсах, эни 10 фарсах". Агар фарсах км га айлантирилса, Иссиқкўлнинг узунлиги 180 км, эни 60 км бўлади. Ҳозирги кундаги маълумотларга кўра кўлнинг узунлиги 182 км, эни эса 58 км га тенг.

XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида кўлларга оид маълумотлар Мунис (Авазбий ўғли Шермуҳаммад мироб, 1778-1829 йиллар), Огаҳий (Эрниёзбек ўғли Мухаммад Ризо мироб, 1809-1872 йиллар) ва Аҳмад Дониш (1827-1897 йиллар) асарларида учрайди. Масалан, Мунис 1816 йилда А.Бекович - Черкесский раҳбарлик қилган рус экспедициясининг фаолияти, Амударёнинг шохобчалари, каналлар ва кўллар ҳақида батафсил ахборот берган. Жумладан, Қорақалпоғистондаги Давқара

(Тавқара) кўлини қўйидагича таърифлаган: "Тавқара улўғ тенгиз эди. Даврасининг кенглиги тахминан 30 фарсаҳ бўла олғай. Кўкўзакнинг кўпроқ суви анга оқар эди... Ул тенгизнинг суви туганиб (1790-1804 йилларда), экин экадиган ер бўлди". Ёки Орол денгизига қўйидагича таъриф беради: "Ани баҳираи Хоразм атарлар... унинг даврасини 100 фарсаҳ битибдурлар, алҳол 200 фарсаҳдан кўпроқ дерлар... Оролнинг суви бағоят шўрдир. Мунча чучук сувлик дарёлар анга оқмоқ била таъмига харгиз тафовут етмас. Ҳатто дарё қуйғон мавзеидан бир қадам илгарироқ сув ичиб бўлмас"

Россия босқини арафасида, аниқроғи 1848-1849 йилларда А.И.Бутаков томонидан махсус экспедиция ташкил этилиб, Орол денгизи инструментал съёмка қилинди. 1850 йилда эса шу материалларга асосланиб, Орол денгизи харитаси босилиб чиқди. Маълум сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилган ана шу ишлар натижасида ўлкамиздаги кўллар рўйхатга олинди, харитага туширилган.

XIX - асрни 10-20 йилларида табиий кўлларни комплекс ўрганиш бошланган, лекин кўллар гидрокимёсига эътибор берилмаган. 1938-40 йилларда гидрометеорология пунктларида кўллар кимёси ўрганилиб бошланди натижада Иссиқкўл, Орол денгизи ўрганилди. 1950 йилларда кўлларни кимёвий таркиби мунтазам ўрганилиб бошланди. Судочье, Кипыр, Бийлюкўл, Ясга, Сарез, Яшилкўл, Искандаркўл, Қоракўл ўрганилган. 1966-1980 йилларда ҳам бу кўллар яхши ўрганилган. Шу пайтларда геология ва геофизика институтида ҳам чўл зоналардаги кўлларнинг таркиби ҳам ўрганилган. Бу кўлларни Д.В.Шнитников ўрганган. Ўрта Осиёда Т.Б.Форш-Меншуткиной кўлларни кимёвий ҳолатини ўрганган. Кейинчалик О.А.Алекина кўлларни таркибидаги моддаларни анион ва катион гуруҳларга бўлган олим ҳисобланади. Г.А.Максимович эса кимёвий географик хусусиятларини ўрганган. У 1500 та кимёвий моддаларни анализ килган.

О.А.Алекин Амударё хавзасидаги текислик кўллари Хоразм ва Ташауз вохаларида Амударё дарёси дельтасида тўпланган сувларни қўйидаги турларга ажратган.

- 1.Сульфат-калцийли
- 2.Хлорид-калцийли
- 3.Хлорид-натрийли .

Кўлларни хлоридли натрийли типига Туркманистоннинг дренажсиз кўлларини ҳам киритган. Бу эса бошка Максимович каби олимлар учун янгилик эди. Кейинчалик гидрохимик схемасини ҳам ишлаб чиққанлар.

1970 йилда Е.М. Видинеевой томонидан Арнасой кўли минерализацияси ўрганилган. Бийлюкўл ва бошка Ўрта Осиёдаги кўлларнинг шу пайтларда биоген моддалари ҳам ўрганилган.

1960-йиллардан Ўрта Осиё кўлларини ўрганиш янада кенгроқ ривожланиб, унда Бошгидромет (А.М.Никитин, В.Н.Рейзвих), ЎЗР ФА (М.А.Носиров) олимларининг хизматлари катта бўлди. Улар 1963-1964 ва 1972-1980 йиллар давомида Амударё дельтасидаги кўлларни текширишни амалга оширдилар. Сирдарё ва Арнасой

чўкмаларидаги кўллар 1967-1968 ва 1973-1982 йилларда текширилди. 1976-1977 йилларда Ўрта Осиёдаги оқава сувлардан тўйинадиган энг катта кўллардан бири Сарикамиш кўлида, 1981-1982 йилларда эса Қашқадарё ва Зарафшон дарёсининг қўйи оқимидаги кўлларда тадқиқот ишлари олиб борилди ва улар натижасида Туркистон кўллари ҳақида йирик илмий асарлар яратилди.

Фарғона водийсида жойлашган турли сув ҳавзаларининг гидробиологияси А.М. Мухаммадиев томонидан ўрганилган ва унинг натижалари олимнинг “Фарғона водийсининг гидробиологияси” (1967) номли китобида кенг ёритилган. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган айрим сув ҳавзаларида учрайдиган балиқларнинг 100 дан ортиқ турлари Ф.К. Комиловнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Бундан ташқари Ўзбекистон кўлларини ўрганишда Э.И. Чембарисов, Л.Г. Константинова, Д.Ешимбаев, И.И. Ильинский, С.Е. Курбанбаев, К.М. Атаназаров, О.В. Бабаназарова, А.М. Музаффаров, К.Ю. Мусаев ва А.Э. Эргашевларнинг ишлари ҳам диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач кўллар ва сув омборларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда, айти пайтда бу соҳада махсус режа асосида илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бошгидромет тасарруфидаги Ўрта Осиё гидрометеорология илмий - тадқиқот институти (ЎОГМИТИ)нинг "Кўллар ва сув омборлари" лабораторияси илмий ходимларининг хизматлари катта бўлмоқда.

Маълумки, ички сув хавзалари ва шу жумладан кўллар кенг экологик кузатишлар олиб боришга жуда қулайдир, чунки бу сув ҳавзалари ўзларига хос турли катта-кичикликдаги берк экологик системалар бўлиб, уларда ўтадиган биологик жараёнлар ва моддалар алмашуви атроф-муҳитнинг кучли таъсирига унча учрамайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эргашев А.Э., Эргашев Т.А. Гидроэкология (сув экологияси) Тошкент 2002.
2. Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбоев Д.П. Кўлшунослик. –Тошкент: Университет, 2002.